

Чинакам тавба



08:00 / 24.12.2020 2822

Бир гуруҳ ярамас, бадхулқ одамлар Робийъ ибн Ҳайсамни фитнага солиш учун унга ниҳоятда гўзал бир аёлни рўбарў қилмоқчи бўлишди. Аёлга эса «Уни йўлдан ура олсанг, минг дирҳам берамиз», деб ваъда қилишди. Аёл энг чиройли кийимларини кийди, энг хушбўй атирларини сепиб, Робийъ ибн Ҳайсам масжиддан чиққан пайтда унга ўзини намоён қилди. Аммо уни кўрган Робийъ жаҳл билан унга деди: «Шу топда дард тегиб, бу аҳволинг, бу нозу жилваларинг ўзгариб, хароб бўлиб қолсанг нима қиласан? Ёки шу аҳволингда ўлим фариштаси келиб, жон томирингни суғуриб олса нима қиласан? Мункар ва Накир фаришталар сўроққа тутса, қандай аҳволга тушасан?» деди. Аёл қаттиқ оҳ тортди-ю, беҳуш йиқилди. Ўзига келгач эса, тавба қилиб, кечаю кундуз Аллоҳга ибодат қилишга киришди. Кўп ўтмай у вафот қилди. У гуноҳларидан қўрқиб йиғлайверганидан, тинимсиз ибодат қилиб, риёзат чекаверганидан куйган чўпга ўхшаб қолган эди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан